



TRADITIONAL AND MODERN CLOTHING OF THE ARABS OF CENTRAL ASIA

Sherzod Abduganievich Iskandarov

Associate Professor, Doctor of Philosophy (PhD) in Historical Sciences

Tashkent Medical Academy

Department of Social Sciences

Iskandarov54@mail.ru

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: Arabs, national clothing, traditional costume, ethnoculture, jewelry, gizzi, natti, silsila, Jeynov village, Kashkadarya region, material culture, cultural transformation.

Received: 04.03.26

Accepted: 05.03.26

Published: 06.03.26

Abstract: This article analyzes the traditional and modern clothing and jewelry of the Arab population living in Uzbekistan, particularly the Arabs residing in Jeynov village of Mirishkor district, Kashkadarya region. Arab national clothing is an important part of their material culture and reflects the national identity, customs, and aesthetic values of the people. The research results show that some elements of traditional Arab clothing and jewelry have partially been preserved to the present day, although they are undergoing changes under the influence of modern cultural processes. In particular, traditional ornaments such as “gizzi,” “natti,” “bugnak,” and “silsila” remain significant ethnocultural markers of Arab women. The survey results indicate different levels of preservation of national clothing and jewelry among the Arab population: some respondents note that they are fully or partially preserved. In addition, cultural interaction with other local ethnic groups has influenced certain elements of clothing and jewelry. The study demonstrates that traditional Arab clothing and ornaments continue to be transmitted from generation to generation as an important cultural heritage while simultaneously adapting to contemporary social and cultural transformations.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ АРАБЛАРИНИНГ АНЪАНАВИЙ ВА ЗАМОНАВИЙ
КИЙИМЛАР

Шерзод Абдуганиевич Искандаров

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) доцент

Тошкент тиббиёт академияси

Ижтимоий фанлар кафедраси

Iskandarov54@mail.ru

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: араблар, миллий кийим-кечак, анъанавий либослар, этномаданият, тақинчоқлар, гиззи, натти, силсила, Жейнов қишлоғи, Қашқадарё вилояти, моддий маданият, маданий трансформация.

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистонда яшовчи араб аҳолисининг, хусусан, Қашқадарё вилояти Миришкор тумани Жейнов қишлоғида истиқомат қилувчи арабларнинг анъанавий ва замонавий кийим-кечаклари ҳамда тақинчоқлари таҳлил қилинади. Араб миллий кийимлари уларнинг моддий маданиятининг муҳим таркибий қисми бўлиб, халқнинг миллий хусусиятлари, урф-одатлари ва эстетик қарашларини акс эттиради. Тадқиқот натижаларига кўра, арабларнинг айрим миллий кийим ва тақинчоқлари бугунги кунгача қисман сақланиб қолган бўлиб, улар замонавий маданий жараёнлар таъсирида ўзгаришларга учрамоқда. Айниқса, “гиззи”, “натти”, “буг‘нак”, “силсила” каби анъанавий безак ва тақинчоқлар араб аёлларининг этномаданий белгиларидан бири сифатида муҳим аҳамиятга эга. Сўровнома натижалари арабларнинг миллий кийим-кечаклари ва тақинчоқларининг сақланиш даражаси турлича эканлигини кўрсатади: респондентларнинг бир қисми уларнинг тўлиқ ёки қисман сақланиб қолганини таъкидлайди. Шунингдек, бошқа маҳаллий халқлар билан маданий алоқалар натижасида айрим тақинчоқ ва кийим унсурларида ўзаро таъсир ҳам кузатилади. Тадқиқот арабларнинг анъанавий кийим ва тақинчоқлари маданий мерос сифатида авлоддан-авлодга ўтиб келаётганини ҳамда замонавий трансформация жараёнлари таъсирида янги шаклларга эга бўлаётганини кўрсатади.

ТРАДИЦИОННАЯ И СОВРЕМЕННАЯ ОДЕЖДА АРАБОВ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

Шерзод Абдуганиевич Искандаров

Доцент, доктор философии (PhD) по историческим наукам

Ташкентская медицинская академия

Кафедра социальных наук

Iskandarov54@mail.ru

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: арабы, национальная одежда, традиционный костюм, этнокультура, украшения, гиззи, натти, силсила, село Жейнов, Кашкадарьинская область, материальная культура, культурная трансформация.

Аннотация: В данной статье анализируются традиционная и современная одежда и украшения арабского населения, проживающего в Узбекистане, в частности арабов села Жейнов Миришкорского района Кашкадарьинской области. Национальная одежда арабов является важной частью их материальной культуры и отражает национальные особенности, обычаи и эстетические представления народа. Результаты исследования показывают, что некоторые элементы традиционной одежды и украшений арабов частично сохранились до наших дней, однако подвергаются изменениям под влиянием современных культурных процессов. Особое значение среди этнокультурных признаков арабских женщин имеют такие украшения, как «гиззи», «натти», «бугнак» и «силсила». Результаты опроса свидетельствуют о различной степени сохранности национальной одежды и украшений: часть респондентов отмечает их полное или частичное сохранение. Кроме того, культурные контакты с другими местными народами также оказали влияние на некоторые элементы одежды и украшений. Исследование показывает, что традиционные арабские костюмы и украшения передаются из поколения в поколение как важное культурное наследие, одновременно претерпевая изменения в условиях современных трансформационных процессов.

Марказий Осиё арабларнинг анъанавий ва замонавий кийимлари бугунги кунгача сақлаб қолишган, арабларнинг анъанавий миллий кийимлари уларнинг моддий маданиятининг муштарак бир қисмини ташкил этиб, араб халқининг миллий хусусияти, урф-одатлари ҳамда эстетик дидини намоён этган. Барча халқларнинг миллий кийим-кечаклари сингари, арабларнинг анъанавий кийимлари ҳам узоқ тарихий жараёнлар давомида, ижтимоий-иқтисодий, маданий, диний ривожланиши ҳамда урф-одат, маросим, анъаналар таъсирида замонавийлашиб кетганлигини кўриш мумкин. Бугунги кунда

арабларнинг кийим-кечаклари шаклланиши ва ривожланиши жараёнини ўрганиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Қашқадарё вилоятининг жануби-ғарбида, Қарши шаҳридан 50 км олисда жойлашган Жейнов қишлоғида, айти пайтда 20000 нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг тўртдан уч қисмини араблар ташкил этади. Қолган қисми ўзбек, тожик, туркманлардан иборат. Жейновда кекса эркалар «наббат» ёки «жадди», кекса аёллар-бувилар «набба» ёки «жудо», ўрта ёшли эркалар, «сабайин», болалик аёллар «кадаса», ёш йигитлар «рузьон», қизлар «бинад», «бинт» киядилар. Кийим-кечакни ёшга қараб кийиш қадимий араб одатларидан ҳисобланади. Жейнов аёлларининг «гиззи», «натти», «буғнак» деб номланувчи тақинчоғи арабларга хос этномаданиятнинг белгиси ҳисобланади. Гиззи – бу бош кийим бўлиб, турмушга чиқмаган қизлар қизил ранглисини, турмушга чиққанлар эса оқ ранглисини кийиб юради. Натти – бурун тақинчоғи, у тилладан ишланади. Буғнак 25 та кумуш танга ва 2 та тилла қўнғироқ билан безатилган бўлиб, уни, асосан, аёллар бошга тақиб юради.

Тадқиқот жараёнида арабларга «Миллий кийим-кечакларингиз сақланиб қолганми?» деган савол билан мурожаат қилганимизда, респондентларнинг асосан қисми ўз миллий кийим-кечакларининг маълум бир турлари, яъни «натти», «хаттаба», «чет натти», «силсила» кабилар сақланиб қолганлигини таъкидладилар. «Арабларда миллий кийимлар сақланиб қолганми?» деб берилган саволга уларнинг 24 фоизи «ҳа» деб, 41 фоизи «қисман сақланиб қолган», 29 фоизи «йўқ», 6 фоизи эса арабларда умуман миллий кийим-кечаклари сақланиб қолмаган; деб жавоб берди. Юқоридаги таҳлиллар шуни кўрсатидики, арабларни миллий кийим-кечакларни 65 фоиз респондентлар арабларни миллий кийим кечакларни сақлаб қолган. Қашқадарё вилояти Жейнов қишлоғининг Андхўй маҳалласида яшовчи хотин-қизлар араб миллий либосларидан, бошқа маҳаллалардан фарқли ўларок, кўпроқ фойдаланади. Бугунги замонавий трансформацион жараёнлар араб халқининг анъанавий кийим кечаклари ўзгаришга ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Қашқадарё вилояти Жейнов қишлоғининг Андхўй маҳалласида яшовчи хотин-қизлар араб миллий либосларидан, бошқа маҳаллалардан фарқли ўларок, кўпроқ фойдаланади. Тақинчоқ ва бошга кийиладиган буюмлар қадимда ижод этилганлиги билан ажралиб туради. Ёши катта аёлларнинг аксариятида «бўхнак», «натти», «гиззи» сақланиб қолган. Бўхнак гиззи – оқ лачак устидан кийилади. Бўхнакнинг ҳилолсимон гўшаси салқин қилиб тақиб юрилган. Икки яноқда эса жажжи кулчадек қилиб юмалоқланган куррак қўйилган. Куррак қора қўзининг биринчи қирқим жунидан тайёрланган. Сўнг

«катмола» деб аталувчи безаклар бош либосига зеб беради. Катмола фақат олтиндан ишланган бўлиб, бу тақинчоқ араб аёлларининг зеб-зийнати ҳисобланади. Аёлларнинг бурунга тақиладиган қадимий тақинчоқларидан бири «чет натти», бўлиб узок тарихий даврга эгаллиги билан ажралиб туради. Марказий Осиёминиатюраларида (XV–XVI асрлар) тасвирланган аёллар бурнида ҳалқасимон тақинчоқлар учрайди. Республикада бурунга тақиладиган тақинчоқлар «арабак», «латиба», «холбини», «холчўп» деб аталган. Бурунга тақиладиган сирғалар, асосан, бурун икки четига, буруннинг паррақларига ва буруннинг ўрта деворига тақилган. Буруннинг ўрта деворига тақилган «булови», «ўрта натти», буруннинг четига тақилса «чет натти», «аравак» деб аталган. Воҳада «латиба», «натти», «латбинни» атамалари билан маълум бўлган бурун тақинчоқлари, асосан, магик тасаввурлар, яъни ёмон кишилар назари, қарашларидан сақловчи, ҳимояловчи восита сифатида тақилган. Бундан ташқари, бурун тақинчоғи айнан қайси мақсад билан тақилганлиги ҳақида илмий адабиётларда маълум бир хулосалар мавжуд бўлса-да, бу ўринда шуни айтиш мумкинки, заргарлар томонидан яратилган ушбу тақинчоқ безак сифатида эмас, балки кўпроқ магик маънодаги тақинчоқ ҳисобланган.

Ўзбекистон арабларининг тақинчоқлари уларнинг моддий маданиятида муҳим хусусиятлардан бири ҳисобланади. Қолаверса, бошқа халқларнинг тақинчоқлари ҳам кейинги йиллар араблар ҳаётида ўзига хос муҳим аҳамиятни касб этиб келмоқда. «Арабларнинг миллий тақинчоқларида қандай ўзгаришлар содир бўлган?», деб берилган саволга улар қуйидагича жавоб бердилар: «қадимий тақинчоқлар сақланиб қолган» 35 фоиз; «араб тақинчоқларида миллийлик ўрнини замонавийлик эгаллаган» 22 фоиз; «араблар ва ўзбек тақинчоқлари асосида ўзгариш юз берган» 35 фоиз; «ўзгаришлар тақинчоқларнинг маълум жиҳатларида ўз аксини топган» 8 фоиз, тожик халқи томонидан «чет натти» кириб келган. Респондентларнинг 35 фоиз араб миллий тақинчоқлар сақланиб қолинганлигини эътироф этган. Ўзбекистон арабларининг тақинчоқлар миллий либосларга уйғунлашган ҳолда тақинчоқлари тақилади. Қашқадарё вилояти Миришкор тумани Жейнов қишлоғида ўтмишда «чет натти» тақинчоқ сифатида тақилмаган. Кейинчалик, маҳаллий тожиклар томонидан чет натти араб аёлларининг ҳам тақинчоқлари сифатида анъанага айланди. Респондентларнинг таъкидлашича, 1950 йилларга қадар Жейновдаги сингари аёлларни миллий кийимларида ўзига хос тақинчоқлардан бири «натти» ни мавжуд бўлганлагини таъкидлашади.

Араб қизлари оила қуришгача бўлган даврда сочларини қулоқ ортига ташлаб юришган бўлса оилали аёллар эса сочларини қулоқнинг олдига тарам қилиб чиқаришган. Ўз навбатида шуни айтиб ўтиш керакки, айнан бу ҳолат бошқа халқлар, хусусан, уйғур

қиз ва келинларининг соч турмаклари кўринишига ўхшайди. Одатда, маҳаллий ўзбек аёллари сочларини қирқ ёки икки кокилга ажратиб жуфт қилиб ўриб юрган бўлса, бева аёллар тоқ, яъни битта қилиб ўриб юрганлар. Эътиборли жиҳати шундаки, уйғур аёллари сочларини доимо беш кокил қилиб ўрганлар. Она бўлган уйғур аёли иккинчи ёки учинчи фарзанд дунёга келгандан кейингина кокилларини ўзгартириб, иккига айириб ўриб олган. Бу уйғур аёллари учун ўзига хос инициация ҳам ҳисобланади. Тожикистон Республикасининг арабларда махсус кийимлари йўқ деб таъкидлайди. Ўтишмишда Хатлон вилояти Шартуз тумани Айвадж қишлоғида бир вақтлар ёш улуғ аёллар арабларга хос бўлган анъанавий кийим-кечакларни кийиб юришган йиллар ўтиш натижасида утилиб кетган. Шунингдек Қирғизистон Республикаси Ўш вилояти Аравон тумани Тепақўрғон қишлоғи арабларнинг ўзига хос кийим кечаклар йиллар ўтиш натижаси унтилиб кетган, хатоки аёллармиз бугун кунда “чорсу”ни тикишни ҳам унтиб боришмоқда оммавий маданиятини таърини кузатилади.

Арабларни бошқа миллатлардан фарқли жиҳати шуки улар доимий равишда юриш уларни кундалик жараёнлардан бири ҳисобланади. Респондентнинг таъкидлашича улар миллий кийим-кечаклар унтилиб кетган маҳаллий халқларнинг тақинчоқлар ва кийим-кечаклари билан жуда ҳам ўхшашдир.

Махсус кийимлар борми, қадимий тақинчоқлар бор бизда кўп эди, “зурбитилло”, “зангиотажак”, у келинлар киядиган вақтида, ҳали Сурхондарёларда кўп у, дузу, тумор, қадимги арабча ёзилган юртанг кумуш тангалар, билакузук, бурунчўп, сирғаси, бўйнидаго хаповант –мунжук, бу мужукдан тўқиладиган, бўғирсоқдек этиб тўқиладида, ҳар хил мунчоқлардан тўқиладиган Тоза келинлар учун қилинади, келин оладиган бўлсангиз, шуни буюради, келин томон, келин учун шу танга-жиякни оласиз, ва сўнгида қудрати келган тузу, туморлари билан, қош қўйилган, ҳамма тузу даскаси билан бўлади, сийнабанд, сиздан бор-у, соч япроқларидан таёрланади. Ҳозорги вақтда уни бой кишилар қилади.

Кекса ёшли араб аёллари оқ гиззи, ёш қизлар, жувонлар эса нафис қизил гиззиўрашган. Араб аёлларига хос безаклар силсиласида хатабак – пешбанд алоҳида ўрин тутади. Жейнов арабларидаоилада кимдир унаштириладиган бўлса, ўзларининг силсиласини келинчакка ҳадя қилиш одат ҳисобланган. Силсила асосан кумушдан тайёрланган тақинчоқ ҳисобланади. Дала этнографик тадқиқотлар жараёнида шу нарса аниқландики, Жейнов қишлоғидан ташқари бошқа араб қишлоқларида заргарлик буюмлари, безак тақинчоқлари сақланиб қолмаган.

Араб келинлари тўй маросимларида байрам маросимларида силсила тақишади. Шунингдек, қозоқ, қирғиз, ўзбек ва турк лар ҳам ушбу тақинчоқни тақишган. Силсила безакларининг асосий қисми туб ерли аҳоли туркман, лақай, қўнғирот ва қарлук аёлларида бўлиб, уларда бу тақинчоқ турли номлар билан номланган. Яъни (сараки, қасаба) силсилага ўхшаш бўлиб, фақат бир-биридан фарқ қилади .

Д. Фахретдинованинг фикрича, аёлларнинг чакка қисм иякларига ва пешонасига боғланган бош кийим (салла, қасаба пешонабанд) бирор нарсадан олдин тақилган. Аёллар тасма рангдор духоба ёки каштали матолари билан бирга сифатли кийимлар кийишган. Бир вақтлар қасабанинг беаги тури кенг ёйилган. Асосан, барча анъанавий кийим-кечаклар сақланиб қолинган. Арабларнинг безак тури неча асрлардан бери анъанавий тарзда аждодлардан-авлодларга ўтиб келмоқда.

Араб алифбоси ёзувлари билан безатилган билагузуклар воҳада муқаддас саналган . Мазкур билагузукнинг кенглиги 1–3 см. дан 3–5 см. гача бўлиб, қанчалик кенг бўлса шунчалик чиройли ва қимматбаҳо ҳисобланган. Шунинг учун ҳам улар энг тантанали кунларда тақилган. Шунингдек, воҳада билагузукнинг «ислими», «нақшли», «панжа», «турна» нақшли тўрт шаклида безатилган турлари ҳам мавжуд бўлган. Аммо, афсуски, мазкур билагузуклар музейда ҳам, бирон-бир хонадонда ҳам сақланиб қолмаган .

Аёллар тақинчоқларининг яна бир тури туморлардир. Туморлар икки хил бўлган: тақинчоқ туморлар ва ёмон кўзлардан асровчи дуо туморлар. Тумор арабчада бир парча қоғозга ёзилган, ёмон кўзлардан асровчи дуони англашиб, маъноси қадимий турк тилида дуо ёзилган қоғоз, яъни «битик» ка яқин бўлган .

Жейнов араблари эркак, аёл ва болаларининг кийим-кечаклари ўзига хослиги билан атрофдаги бошқа халқларникидан маълум даражада фарқланади. Аёлларнинг турмушга чиқмаганлари «қизил гиззи», турмушга чиқанлари «оқ гиззи» кийимини кийиб юради.

Ўзбекистон арабларининг миллий либослар тайёрлаш усулида фарқ бўлиб, Жейнов араблари гиззини асосан оқ сурпдан, деновлик ва самарқандлик араб аёллари эса рангли, кўк ёки очик бинафшаранг матодан тайёрлашган. Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро ва Самарқандда яшовчи арабларда гиззи илгари 4 метр сурпдан тайёрланган . Арабларнинг кийим-кечакларни тайёрлаши бир-биридан табиий-худудий жойлашишига қараб фарқланади. Марказий Осиё арабларининг анъанавий ва замонавий кийимларда миллий кийим-кечакларини тўй, никоҳ, мотам кийимларида кузатиш мумкин.

XX асрнинг 50-йилларига қадар ёшлар миллий кийими йўл куйлак, иштон, сўнгра брижадан тикилган кийим бўлиб, аҳоли бу кийимдан оммавий равишда фойдаланиб келган. Кейинчалик арабларнинг кийим-кечакларида Европа, ўзбек ва араб миллий

маданияти уйғунлашиб кетган. Арабларнинг ўзига хос миллий кийимлари ятак, салла, калапўш, кўйлак, иштон, ковуш, чопон, куёв беқасамдан иборатдир.

Араб миллий кийимларидан кубба, қасаба, кабалар бошга кийилиб Олд Осиё ва яманликларнинг кийимларига жуда ўхшашдир. Ахборотчиларнинг эслашича, қасаба XX асрнинг 70-йилларига қадар араб аёлларининг ўзига хос кийимларидан бири бўлган. Ўзбекистондаги араблар тақадиган «натти» яманлик арабларда сақланиб қолган. Бирок, ахборотчиларнинг таъкидлашича, «чет натти» маҳаллий тожикларнинг таъсирида оммалашган.

Араб эркаларининг миллий кийим-кечакларида маҳаллий халқлар маданиятининг айрим жиҳатларини ҳам кузатиш мумкин. 1930 йилда кўйлак, ятак, чопон одатий кийим ҳисобланган. 1945 йилларда костюм-шим оммавийлашиб, 1950 йилларда пальто, плаш кириб келган бўлса, 1970 йилларда жун матолардан тикилган кийим русм бўлган .

Ҳозирги кунда араблар миллий кийим-кечакларининг тахминан 25–30 фоизи аёлларнинг кийимида сақланиб қолган. XX асрнинг 80-йилларида аёлларнинг кийим-кечакларида янгича маданий ўзгаришни кўриш мумкин. Кейинчалик ёқаси ётиқ кўйлак кийилиши урфга айланиб, замонавийлашиши араб халқининг этник ўзлигини англаши йўқолишига олиб келди.

Глобаллашув жараёнида арабларнинг миллий кийим-кечакларида анъанавийлик нутилди. Кийимлар эволюцияси ва трансформациясини тадқиқ қилиш шуни кўрсатдики, эркалар кийим-бошлари аёлларникига қараганда кўпроқ ўзгаришларга учраган.

Ўзбекистон арабларининг миллий-кийимлари этник ўзликни англашдаги омиллардан бири ҳисобланади. Аёлларнинг миллий кийим-кечакларидан бири калтача, жилак бўлиб, уни бошга ўраб юришган. Шеробод арабларининг бошқа халқлардан фарқли жиҳати шундаки, қарияларнинг аксарияти қисми «сетра» тақиб юришган.

Миллий кийим-кечаклар араб халқи анъанавий моддий маданиятининг муштарак бир қисмини ташкил этиб, миллий хусусияти, урф-одатлари ҳамда эстетик дидини намоён этган. Бошқа халқ кийимлари сингари, арабларнинг анъанавий кийимлари ҳам узок тарихий жараён давомида, ижтимоий-иқтисодий, маданий, диний, ривожланиш ҳамда даврларга ўтиш давомида ўз хусусиятларини сақлаб қолган.

XX асрда араб миллий кийимларидан анъанавийлик ўрнига замонавийлик устунлик қила бошлади. Бу ўрта ёшдаги одамларнинг кийимларида ўзгаришлар бўлиб, Европа бичимида тикилган кийимларни кийиш расм бўлди. Миллий кийимлар фақатгина кекса ёшли кишилар ва қариялар орасида сақланиб қолган. XX асрнинг биринчи ярмида кийилган маросимий кийимларнинг анъанавий бичими ва кўриниши, асосан, сақланиб

колган. XX аср бошларида қизлар қиядиган камзул ва астарли нимча ва камзулчалар расм бўла бошлайди. Уларнинг юқори қисми бахмал ёки духобадан, баъзан ипак, беқасам, ип-газламалардан тикилган .

Хулоса қилиб таъкидлаш жоизки, Марказий Осиё арабларнинг миллий кийимлари XX асрда юз берган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий жараёнлар натижасида арабларда замонавий европача кийим-кечакларни кийиш урфга айланиб борди. Бу ҳам, миллий ўзликни англашга ўз таъсирини кўрсатди. Оқибатда бу жараёнлар араб миллий кийим-кечаклари унутилишига олиб келди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ражабов Р. Ўзбекистондаги араблар тарихи ва этнографияси... – Б. 312.
2. Дала ёзувлари. Қашқадарё вилояти Миришкор тумани Жейнов қишлоғи. 2023 йил.
3. Дьяконова Н. В. Среднеазиатские миниатюры XVI–XVIII вв. – М.: Наука, 1964. – С. 39.
4. Қаранг: Чவர்ь Л. А. Таджикские ювелирные украшения (Материалы к историко культурному районированию Таджикистана). – М.: ГРВЛ. 1997; Тожикларда “натибини”, “холчўп” деб аталган. Три «чилла» у таджиков этнография Таджикистана – Душанбе. 1952. г. – С. 25; Зарафшон воҳасининг юқори қисмида “натибини” деб аталган. Бу ҳақда қаранг: Материальная культура таджиков, верховьев Зерафшана. – Душанбе, 1973. – С. 156.
5. Ибрагимова М. Ю. Сурхондарё воҳаси аҳолисининг анъанавий кийимлари ва тақинчоқлари (XIX аср охири – XX аср бошлари) // Тарих фанлари ном... дис. – Тошкент, 2004. – Б. 83.
6. Дала ёзувлари. Қашқадарё вилояти Бешкент шаҳри Нукработ қишлоғи. 2019 йил.
7. Валихонова Г. Фарғона водийси уйғурлари: турмуш тарзи ва маданияти. – Тошкент: Yangi nashr, 2013. – Б. 77.
8. Дала ёзувлари. Тожикистон Республикаси Хатлон вилояти Шартуз тумани Айвадж қишлоғи. 2023 йил.
9. . Дала ёзувлари. Қирғизистон Республикаси Ўш вилояти Аравон тумани Тепакўрғон қишлоғи. 2023. йил.
10. Дала ёзувлари Андижон вилояти, Балиқчи тумани, Катта арабхона қишлоғи. 2023. йил.
11. Дала ёзувлари Хоразм вилояти, Хазорасп тумани, Карвак қишлоғига. 2024 йил
12. Саидов М., Равшанов П. Жейнов тарихи... – Б. 252.
13. Борозна Н. Г. Виды женских ювелирных украшений у народов Средней Азии Казахстана // СЭ. – 1974. – №1. – С. 35.

14. Борозна Н. Г. Материальная культура узбеков Бабатага и долины Кафирнигана / Материальная культура Средней Азии и Казахстана. – М., 1966. – С. 114.
15. Чвырь Л. А. Таджикские ювелирные украшения. – М., 1977. – С. 19.
16. Шундай билагузук Қашқадарё вилояти Қарши туманига қарашли Чия қишлоғида яшовчи Хадича момо хонадонида ҳам сақланиб қолган.
17. Юлдашева Г. К. Нурота воҳаси аёлларининг анъанавий кийим ва тақинчоқлари (XIX асрнинг охири – XX аср бошлари): Тарих фанлари номзоди дисс... – Тошкент, 1995. – Б. 126.
18. Фахретдинова Д. А. Ювелирное искусство Узбекистана. – Ташкент, 1988. – Б. 121.
19. Ражабов Р. Ўзбекистондаги араблар тарихи ва этнографияси... – Б. 313–314.
20. Дала ёзувлари. Қашқадарё вилояти Миришкор тумани Жейнов қишлоғи. 2022 йил.
21. Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти Шеробод тумани Нуриддин Муродов қишлоғи. 2011 йил.
22. Содикова Н. XIX–XX асрлар ўзбек миллий кийимлари. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 40.